



**РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛАЛАРИДА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ
ЯРАТИШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ
ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ
ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС
ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЎРНИ**

Аманов Аброржон Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Малака ошириш институти профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19941440>

ARTICLE INFO

Received: 14th April 2026

Accepted: 15th April 2026

Published: 28th April 2026

KEYWORDS

республика, маҳалла, хавфсиз муҳит, ҳуқуқбузарлик, олдини олиш, ички ишлар органлари, ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси.

ABSTRACT

Мақолада республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ўрни таҳлили қилиниб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклифлар ҳамда тавсиялар билдирилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»¹ги Қонунига биноан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият-ни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шунингдек коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчиларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган, шу жумладан илгари судланган ва озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва уларнинг

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

фаолиятини мувофиқлаштиришдан ² иборатдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»³ги Қонунида мазкур асосий вазифаларни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар тизими, уларнинг ваколатлари баён этилган бўлиб, ушбу фаолиятни амалга оширувчи органлардан бири - Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидир.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борган сари профилактик хусусият касб этиб бораётгани⁴, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти янада ошишига сабаб бўлмоқда ҳамда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилак-тикаси фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, аҳоли турар жойларида кўп қиррали ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти айнан профилактика инспекторларининг фаолиятдан бошланади⁵, профилактика инспекторлари эса, ички ишлар органларининг қуйи тизими ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг афзаллик-лари: *биринчидан*, салбий ҳодисаларнинг илдизи ва манбалари, сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилгани; *иккинчидан*, қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга катта зарар етказиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисалар занжирига дастлабки таъсирни кўрсатиши; *учинчидан*, криминоген омилларга улар эндигина пайдо бўлаётган ва ҳали мустаҳкам илдиз отмаган вақтда, камроқ куч ва харажат сарф этган ҳолда таъсир қилиш, бартараф этиш ва кучсизлантириш имконига эгалиги; *тўртинчидан*, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш тизимида бошқа йўналишларга нисбатан инсонпарварлиги; *бешинчидан*, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни комплекс қўллаш имконига эгалиги; *олтинчидан*, ошкоралик, кенг жамоатчиликнинг иштироки, омманинг фикрига таяниш принциплари асосланган ҳолда амалга оширилишида намоён бўлади⁶.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузар-ликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолиятдир⁷. Хусусан, ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган

² Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁴ Мартыненко О.А. Детерминация и предупреждение преступности среди персонала органов внутренних дел Украины: Монография. – Х., 2005. – С. 39.

⁵ Ермаков А.Г. Подготовка участковых уполномоченных полиции в вузе МВД России к профилактической работе с населением: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. - Санкт-Петербург, 2011. / [Эл. манба]. - ҚҚҚ; Шр://№№№.Ш88егса1сот/соп1еп1 (мур. вақти: 26.05.2022).

⁶ Заритов З.С., Исмаилов И. Криминология: дарслик. - Т., 1996. – Б. 173.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси фаолиятини амалга ошириш учун республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши асос бўлади.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасининг ўзига хос жиҳат-ларидан бири шуки, у фақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар ташаббуси ва раҳбарлиги остида, олдиндан ишлаб чиқилган ва ички буйруқ билан тасдиқланган махсус режалар асосида амалга ошириладиган махсус тадбирлардан иборатдир. Бошқача айтганда, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини илгари судланган шахслар, алкогольни суистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ҳамда вояга етмаганлар ўртасида доимий равишда самарали ташкил этиш ва амалга ошириш мақсадида махсус профилактик режалар ишлаб чиқиб, ушбу режалар асосида (илгари судланган ҳамда ички ишлар органлари маъмурий назоратида турган шахслар ўртасида - «Назорат»; гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида - «Қорадори»; терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича - «Антитеррор» ва бошқа) амалга оширадilar.

Айтиш мумкинки, ички ишлар органлари томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси фаолияти кўпинча криминоген вазият оғир бўлган ҳудудларга ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларга йўналтирилиши, шунингдек алоҳида кўрсатма ва топшириқлар асосида амалга оширилиши билан профилактиканинг бошқа турларидан ажралиб туради. Яъни, ички ишлар органлари криминоген вазият таҳлили натижаларига асосан, маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши кучайганда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида ҳуқуқбузарлик-ларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширади.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда эса, ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, ушбу фаолият устидан доимий назорат, таҳлил ҳамда режалаштиришнинг ўз вақтида амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирлари амалга ошириладиган ҳудуднинг ва даврнинг ўзига хос хусусиятларини, ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи ва уларнинг содир этилишига имконият яратувчи омилларнинг моҳиятини, ҳуқуқбузарлик содир этувчиларнинг шахси, ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг куч ва имкониятларини ўрганган ҳамда ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ички ишлар органлари томонидан республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирларини ўз жойида ёки вақтида, сифатли ва келажак учун самарали амалга оширилишида барча таркибий тузилмалар ўзларининг ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларида тегишли ҳудудларида қайси турдаги ҳуқуқбузарликлар ёки шахслар тоифалари кўпаётганлиги ҳамда жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига, шахс, жамият, давлат манфаатларига тажовуз қилувчи салбий ҳолатлар ҳақида акс эттиришлари ҳамда келажакдаги фаолиятлари учун ишлаб чиқиладиган режаларида уларни олдини олиш бўйича тадбирлар белгиланган ва мазкур белгиланган тадбирларни амалга оширишлари уларга бириктирилган ҳудудларда нафақат ҳуқуқбузарликлар ҳолатига балки, шу ҳудуддаги жамият ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Мазкур фикримизнинг мантикий давоми сифатида айтишимиз мумкинки, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси тадбирларини икки йўналишда амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир:

1. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус криминологик профилактикаси – яъни, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки содир этишга мойил ғайриижтимоий ҳуқ-атвор ва турмуш тарзига эга шахслар тоифасини камайтиришга йўнал-тирилган махсус профилактика;

2. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус виқтимологик профилактикаси – яъни, содир этилган ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар ва келгусида содир эти-лиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимоли юқори бўл-ган шахслар тоифасини камайтиришга йўналтирилган махсус профилактика.

Ўзбекистон Республикаси «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғриси-да»⁸ги Қонунига кўра, айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

- илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- спиртли ичимликка ружу қўйган, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси профилактика хизматлари фаолиятининг асосий йўналиш-ларидан бири ҳисобланади⁹. Ички ишлар органлари илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш ва махсус

⁸ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

⁹ Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш: юрид. фан. номз. дис. ... автореф - Т., 2009. - Б. 12.

тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган шахсларни ижтимоий реабилитация қилишга ва ижтимоий мослаштиришга тайёрлаш бўйича махсус тадбирларни амалга ошириш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш ва уларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини ташкил этаётган ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби вазифаларни амалга оширадилар.

М.З. Зиёдуллаев, илгари судланганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда профилактика инспекторлари томонидан ички ишлар органлари маъмурий назорати остидаги шахслар, маъмурий назорат таъсирига тушмайдиган илгари судланганлар ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга тортилган ва шартли ҳукм қилинган шахсларни профилактик ҳисобга олиб, улар билан профилактик ишларни олиб боришга асосий эътибор қаратилади¹⁰, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, қайд этилган тоифалар билан олиб бориладиган профилактик ишлар бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этиш лозимки, мамлакатимизда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва илгари судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ҳамда ижтимоий мослаштириш марказлари мавжуд. Ушбу йўналишда муаммоли ҳолатларни бартараф этиш учун жазони ўтаётган шахсларни тизимли равишда касб-ҳунарга ўқитиш ёки уларни касбга ўргатиш жараёнини ташкил этиш ва жазони ижро этиш муассасидан озод этилган шахсларни иш билан таъминлашда маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказларининг масъулиятини ошириш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, ижтимоий мослашув марказларининг ўрни ва роли деярли сезилмайди, уларнинг штати 1 нафар шахсдан иборат бўлиб, бу унинг зиммасига юкланган ишларни тўғри ва самарали ташкил этиш имконини бермайди. Амалда унинг фаолияти жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганларга бир марталик давлат бюджетидан пул ажратиш билан чекланмоқда. Мазкур муаммони ҳал этиш учун ижтимоий мослашув ҳамда бандликка кўмаклашиш марказларининг тегишли функциялари негизида жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий-маиший муаммоларини ҳал этишда кўмаклашувчи ва уларнинг ишга жойлашишида ёрдам кўрсатувчи ягона марказлашган орган тузиш ҳамда ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари билан кенг доирада ҳамкорлик қилиш ва ушбу жараёнларда яқиндан кўмаклашган фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш амалиётини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Алкоголни суистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психо-троп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда ҳам ички ишлар органлари муҳим аҳамият касб этади ва ушбу йўналиш соҳа ходимларидан ўзига хос масъулият талаб қилади. Хусусан, криминолог олимлар сурункали алкоголизм ва гиёҳвандликни ўзига хос аномал ҳолатлардан бири сифатида баҳолаб, кўп ҳолларда ҳуқуқбузарлик содир этилишига олиб келишини ҳамда бундай шахслар жиноят содир этишга мойил эканини¹¹

¹⁰ Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш. Монография. – Т., 2018. – Б. 48-49.

¹¹ Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, Ю.С. Пулатов, Г.А. Аванесов ва бошқ.; проф. З.С. Зарипов тахрири остида. - Т.: УзР ИИВ Академияси, 2006. – Б.78.

таъкидлайдилар. А.Б. Кулахмедовнинг фикрича, гиёҳвандлик, наркоагрессия ижтимоий хавфи ва сон жиҳатдан ўсиш даражасига эга бўлиб, барча мамлакатлар учун бирдек хосдир¹².

Айтиш мумкинки, алкогольни суистеъмол қилувчи ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузар-ликларнинг махсус профилактикаси бўйича ҳам мамлакатимизда бугунги кунда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ички ишлар органлари мазкур тоифадаги шахслар билан доимий равишда тегишли профилактик чора-тадбирлар амалга ошириб боришлари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ушбу йўналишда улар Р.А. Семенюк қайд этганидек, бу жараёнда врач-наркологи ва тиббий муассасаларнинг бошқа мутахассислари билан доимий ҳамкорлик қилиши алоҳида аҳамиятга эга¹³.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда ушбу йўналишда ички ишлар органлари томонидан бир қанча ижобий ишлар амалга оширилган. Хусусан, ушбу йўналишдаги ишларни:

биринчи йўналиш, тегишли ҳудудларда алкогольни ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар кўпайишини олдини олиш мақсадида махсус профилактик чора-тадбирларни кучайтириш. Бунда мунтазам равишда спиртли ичимликлар сотишга ихтисослашган дўконларни, шу билан бирга дорихоналар фаолиятини доимий назоратга олиш;

иккинчи йўналиш, алкогольни ёки гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахсларни нормал ҳаёт тарзига қайтариш бўйича амалга ошириладиган махсус профилактик чора-тадбирларни янада кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Бунда аввало ушбу йўналишдаги фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш. Масалан, шахсни мажбурий тиббий даволанишга юбориш тартибини соддалаштириш ҳамда уларни даволаниши учун етарли тиббий шароитлар яратиш лозим.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ўзини ҳам ҳуқуқбузар-ликлар профилактикаси соҳасидаги алоҳида йўналиш сифатида белгилаб олишимиз лозим. Сабаби, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мазмунига кўра умумий, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактика чора-тадбирларини амалга оширишни ҳам талаб қилади¹⁴. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев, «Бизнинг энг муҳим йўналишимиз – бу ёшлар. Бу масалани ҳал этсак, катта ўзгаришларга эришамиз»¹⁵ деб таъкидлаган эди.

¹² Кулахмедов А.Б. Гиёҳвандлик жиноятларининг амалиётига оид фикрлар // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2004. – № 3. – Б. 89.

¹³ Семенюк Р.А. Эффективность профилактической работы участковых уполномоченных полиции с лицами, употребляющими наркотические средства // Юридическая наука и правоохранительная практика. – 2014. – № 2. – С. 114.

¹⁴ Зиёдуллаев М.З. Милиция таянч пунктлари: қилинаётган ишлар, муаммо ва таклифлар. // Bola va zamon. – 2008. – № 3. – Б. 34.

¹⁵ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. 2017 йил 1 июль // Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий вебсайти – www.president.uz.

Бугунги кунда мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида кенг миқёсида ижобий ислохотлар амалга оширилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹⁶ги қарори билан вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Ушбу тизим асосида, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар билан ишлашнинг аниқ тартиби белгиланиб, болалар билан қандай ишлаш кераклиги кўрсатиб берилди. Лекин, амалга оширилаётган ижобий ислохотларга қарамадан, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар сони сезиларли даражада камаймасдан қолмоқда. Хусусан, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида таълим муассасалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларида тарбиявий ишлар етарли даражада олиб борилмаётганлигини, ота-оналарнинг ўз фарзандлари тарбиясига бўлган масъулиятини ошириш ҳамда вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш борасида тизимли муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, назоратсиз қолдирилган ва уй-жойини ташлаб кетган вояга етмаганларни ўз вақтида аниқлаш ва улар билан ишлаш, ҳуқуқбузарлик содир этувчи вояга етмаганларни, уларни жиноят ва жамиятга зид бошқа ҳаракатларга жалб этувчи шахсларни аниқлаш ва тегишли профилактик ишларни олиб бориш ҳамда вояга етмаганлар ўртасида уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ушбу соҳадаги устувор йўналишлардир¹⁷.

Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилак-тикасини амалга оширишда уларнинг шахси ва ён-атрофидагиларнинг ўзига хос жиҳатлари, қай даражада ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда эканлиги, оиладаги тарбия шароитлари ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарлик ёки ғай-риижтимоий хатти-ҳаракатларнинг хусусиятини ҳисобга олиши талаб этилади¹⁸. Шу билан бирга, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик-ларнинг яқка тартибдаги профилактикаси ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳвол-да бўлган вояга етмаганларни аниқлаш, ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш, ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни назарда тулади¹⁹.

Мазкур йўналишда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш ва жамиятимиз келажаги бўлмиш вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш мақсадида манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда жамиятимизда кун сайин ўрни мустаҳкамланиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда маҳаллий урф-одат анъаналаримизда келтирилганидек, «**Бир болага етти маҳалла ота-она**» тамойили асосида вояга етмаганлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, вояга етмаганларни ота-оналари, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ҳамда

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 августдаги «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 490-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://Lex.uz>.

¹⁷ *Вецкая С.А.* Некоторые аспекты деятельности сотрудников полиции по профилактике наркопреступности среди несовершеннолетних // Общество и право. – 2013. – № 4. – С. 138.

¹⁸ *Исмаилов И., Зиёдуллаев М., Исраилова Н., Азимова Ф.* Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузар-ликларининг олдини олиш: Уқув-амалий кулланма. – Т.: Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, 2011. – Б. 102.

¹⁹ *Бердиев Ш.* Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишнинг ўзига хос хусусиятлари // Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2015 йил 12 март). – Т.: ЎЗР ИИВ Академияси, 2015. – Б. 22.

бошқа катта ёшдагиларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракат-лари ва таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни ҳуқуқбузарликларга, спиртли ичимлик ва гиёхвандлик воситаларини истеъмол қилишга, тиламчиликка жалб этадиган ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчилар ва бошқа шахслар ҳамда ижтимоий жихатдан хавfli аҳволда бўлган оилаларни аниқлаш, улар билан профилактик ишларни ташкил этиш ва бу борадаги ишларда ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигига алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида қайд этилган фикрлар асосида айтиш мумкинки, республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасини ташкил этишда уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус ва тезкор-профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш механизмларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ҳужжатда шундай махсус тадбирларни ишлаб чиқиш, ўтказиш асослари, субъектлари, муддатлари, жалб этиладиган куч ва воситалар, моддий-техник таъминоти, тегишли тартиб ва қоидаларни аниқ белгилаб бериш лозим²⁰. Зеро, қабул қилинган қонунлардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмаслиги, қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлари чиқарилмаслиги кўпинча мазкур қонунларнинг ишламаслигига сабаб бўлади²¹.

INNOVATIVE
ACADEMY

²⁰ Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини тартибга солишнинг идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тахлили ва уларни такомиллаштириш истикболлари // Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари: республика илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: УзР ИИВ Академияси, 2015. – Б.39.

²¹ Каримов И.А. Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги 2015 йил 23 январдаги маърузаси / [Эл. манба] - ИКЪ: ШРУ/хк.иг/шйех.рбп/гакту/Иет /3513 (мур. вакти: 15.03.2022).